

NECESSITY AND IMPORTANCE OF INTRODUCTION OF CORPORATE GOVERNANCE IN JOINT-STOCK COMPANIES

**Associate Professor of the Department of "Management" TSUE Rashidov Jamshid
Khamidovich**

Master of the department "Management" TSUE

Khusanov Nodirbek Odil ugli

Abstract. In today's globalization processes, the participation of joint-stock companies in the development of the national economy, increasing its competitiveness and activating its international integration is increasing. Especially in the current period of improvement of market relations and rapid changes, effective financial and economic activity of joint-stock companies cannot be ensured without a carefully developed financial policy and a mechanism for its implementation.

Key words. Issue, globalization conditions, international economy, national economy, macro environment, market economy, joint stock company.

ОСОБЕННОСТИ И ЗНАЧЕНИЕ ВНЕДРЕНИЯ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ В АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВАХ

Рашидов Джамшид Хамидович, доцент кафедры «Менеджмент» ТГЭУ

Магистр Хусанов Нодирбек Одил угли

Аннотация. В современных процессах глобализации увеличивается участие акционерных обществ в развитии национальной экономики, повышении ее конкурентоспособности и активизации ее международной интеграции. Особенно в современный период совершенствования рыночных отношений и стремительных изменений эффективная финансово-хозяйственная деятельность акционерных обществ не может быть обеспечена без тщательно разработанной финансовой политики и механизма ее реализации.

Ключевые слова. эмитет, условия глобализации, международная экономика, национальная экономика, макросреда, рыночная экономика, акционерное общество.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЖОРИЙЭТИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ

ТДИУ “Менежмент” кафедраси доцент Рашидов Жамшид Хамидович

Магистр Хусанов Нодирбек Одил ўғли

Аннотация. Бугунги глобаллашув жараёнларида миллий иқтисодиётни ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш ва халқаро интеграциясини фаоллаштиришда акциядорлик жамиятлари иштироки тобора ортиб бормоқда. Айниқса, бозор муносабатларининг такомиллашуви ва тезкор ўзгаришларнинг ҳозирги даврида акциядорлик жамиятларининг самарали молия-хўжалик фаолиятини улар томонидан пухта ишлаб чиқилган молиявий сиёсати ва уни амалга ошириш механизмисиз таъминлаб бўлмайди.

Кати сўзлар. Эмитет, глабаллашу шароити, ҳалқаро иқтисодиёт, миллий иқтисодиёт, макромуҳит, бозор иқтисодиёти, акциянерлик жамияти.

Корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш жараёнига таъсир этувчи омиллар ичida миллат менталитети муҳим аҳамиятга эгадир. Миллат менталитетини ташкил этувчи элементлар (билим салоҳияти, илмий тафаккур, мақсад салоҳияти, ижтимоий муҳит, қадриятлар, анъаналар, маданият, сиёсий муҳит, иқтисодий психология, ҳуқуқий онг ва ҳ.к.) иқтисодий тизим ва уни бошқаришга бевосита боғлиқ омиллар мажмуи ҳисобланади. Миллат менталитети миллатнинг шаклланиш тарихи, унинг қадриятлари ва билим салоҳияти кабилар асосида вужудга келади. Бунда миллат мавжуд бўлган жамиятнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи ҳам муҳимдир.

Иқтисодий адабиётларда -механизмъ тушунчаси кўп ҳолатларни акс эттиради. Шундан келиб чиқиб уни иқтисодиётдаги турлари ҳам кўп. Масалан,

ташкилий механизм, иқтисодий механизм, технологик механизм, ижтимоий механизм, молиявий механизм, инновацион механизм, инвестицион механизм, инфратузилма механизми, бошқариш механизми, мулкчилик механизми ва бошқалар. Ўзбекистонлик олимлардан Беркинов Б.Б., Ходиев Б.Ю., Хошимов А.А., Суюнов Д.Х., Хамидуллин М.Б., Зайнутдинов Ш.Н., Рахимова Д.Н., Нуримбетов Р.И.ва бошқаларнинг илмий асарларида мамлакатимизда корпоратив бошқарувнинг шаклланиши, ривожланиш хусусиятлари, ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлиги тадқиқ этилган. Корпоратив бошқарув механизмига мамлакатимиз тадқиқотчилари томонидан шундай таъриф берилган: –Корпоратив бошқарув механизми компания (ёки корпорация) нинг белгиланган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий муносабатларни ҳаракатга келтирадиган элементлар мажмуудир. Шунга нисбатан қурилиш ишларининг хажми ошиб, қурилиш материалларига бўлган истеъмол талабини янада ўсишига олиб келди. Айтиб ўтиш жоизки, ишлаб чиқарилган қурилиш материалларининг ярмидан ортиғи –Ўзқурилишматериалари АК корхоналарига тўғри келди. Ҳозирги вақтда компания таркибидаги 120 та корхоналарда 100 дан ортиқ турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. Улар қурилиш материалларига бўлган ички бозор талабини қониқтиromoқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив мулкчиликка асосланган бошқарувни ташкилий-иқтисодий механизмини ривожлантириш асосий йўлларидан биридир. Янги иқтисодий шароитда бозор иқтисодиётига асосланган ишлаб чиқариш ва уни бошқариш жараёнида корпоратив мулк шаклларига асосланган йирик ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми мохиятини тубдан ўзгартириш керак эди. Бу ҳақда хорижлик бошқариш фани олими М.Мескон, россиялик иқтисодчи олим Б.Мильнер, ўзбекистонлик ҳуқуқшунос олим А.Азизходжаевлар –Йирик ташкилотлар саноат ва технологик тараққиёт учун реал шарт-шароитларни яратади‖ деган эдилар. Биз ушбу фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда, мамлакатимизда ҳозирги

даврда корпоративлаштириш жараёнини рағбатлантириш асосида давлатни, уларни фаолиятига аралашмаслик, қандайдир иқтисодий муаммоларнинг ечимини топишда қатнашмаслик корпоратив бошқариш усулларини жорий этишни секинлаштиради деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга эски ҳолатдаги бошқарувни ташкилий- иқтисодий механизмни қотиб қолишга олиб келади.



1-расм. Жаҳон амалиётида акционерлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг моделлари

Корпоратив бошқарув самарадорлиги ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ривожлантириш билан узвий боғлиқдир. Ўз навбатида корпоратив бошқарувни ташкилий-иктисодий механизм самарадорлигини таъминлаш учун унинг йўлларини аниқ белгилаб олиш зарур. Корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш қуйидаги вазифаларни бажаришга йўналтирилиши керак:

Корпоратив бошқарувда самарадорликни аниқ билиш учун уни макро ва микро даражадаги кўрсатгичлар ва воситаларни ҳисоблаш усулларини тўғри йўлга қўйиш лозим. Чунки, битта макро даражадаги кўрсатгич, бир неча микро кўрсаткичларни қамраб олиши мумкин.

Ишлаб чиқариш унинг бошқаруви самарадорлигини ошириш учун давлат иқтисодий сиёsatни амалга оширувчи бошқарув тузилиши билан узвий боғлиқлигини таъминлаш зарур. Фақат шу ҳолатда ишлаб чиқариш ва корпоратив бошқарув самарадорлигига эришиш мумкин. Агарда корпоратив бошқарувнинг иқтисодий манфаатдорлиги давлатнинг иқтисодий манфаатларига тўғри келмаса, бошқарувнинг бундай шакли самарасиз бўлиши

турган гап.

Компаниянинг ташкилий-иқтисодий механизмини тўғри ташкил этилиши, унинг компания бошқарувини самарадорлигига таъсирини баҳолаш бевосита менежерлар ва ходимлар малакасига боғлиқдир. Уларнинг қанчалик билим даражаси юқори бўлса, техника, менежмент, маркетинг фанлардан билимлари чуқур бўлса, компаниянинг ташкилий- иқтисодий механизми шунчалик самарали бўлади.

Корпоратив компаниянинг бошқарув самарадорлиги кенг мазмунли самарадорлик бўлиб, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ташкилий- иқтисодий механизми самарадорлигини умумлашган ҳолда тавсифлайди. Корпоратив бошқарувни ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлиги мезон ва кўрсаткичлари уни тўғри ҳисоб-китоб қилишни таъминлайди, корпоратив бошқарувни такомиллашиб боришини асослайди.

Список использованной литературы

- [1]. Alekseycheva, E. Yu. Economics of an organization (enterprise): Textbook for bachelors / E. Yu. Alekseycheva, M. D. Magomedov, I. B. Kostin. - 5th ed., sr .. - Moscow: Publishing and Trade Corporation "Dashkov and K", 2021. - 290 p.
- [2]. Djurabaevich D. O., Shavkat A. Organization of Enterprise Management and its Efficiency in Conditions of Economic Modernization //American Journal of Economics and Business Management. – 2023. – Т. 6. – №. 1. – С. 173-177.
- [3]. Djurabaev O. D., Allaberganova S. Modern Management System in Large Companies of the Republic of Uzbekistan //American Journal of Economics and Business Management. – 2023. – Т. 6. – №. 1. – С. 146-151.
- [4].Bobrova, O. S., Tsybukov, S. I., Bobrov, I. A. Bobrova, O. S., Tsybukov, S. I., Bobrov, I. Organization of commercial activity: textbook and workshop for secondary vocational education. - Moscow: Yurayt Publishing House, 2021. - 332 p.